2009-yil 31-yanvar № 13 (2582) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2009 йилда амалга ошириш кўзда тутилаётган чукур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замирида қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади, деган оддий ва ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқат мужассамдир.

— Ислом КАРИМОВ



# Қишлоқларимиз янада гўзаллашади

**Президентимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тасдиқланди**

*Жойларда цемент, оҳак, гипс, шунингдек, турли қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги қувватлар фойдаланишга топширилади.*

*Дастурда қишлоқ жойларда истеъмолчиларнинг энергия таъминоти ишончлилигини ошириш, олис ва чекка қишлоқлардаги аҳолини электр энергияси, газ ва кўмир билан таъминлаш юзасидан бир қатор ташкилий-техник чора-тадбирлар мажмуи белгиланган.*

*Фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқда шаклланаётган янги мулкий муносабатлар, ўрта синф — мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармон манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида олиб бориладиган кенг қамровли ишлар изчил давом эттирилади.*

*Мамлакатимизда 2008 — 2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган катта ҳажмдаги ишлар асносида бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни бажариш асосида тупроқ унумдорлигини тубдан яхшилаш масалаларига янада катта аҳамият берилган.*

*Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жаҳозланган ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини ташкил этиш белгиланган.*

*Дастурга мувофиқ, қишлоқ жойларда касаначилик негизида 70 минг янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Тикувчилик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебелсозлик саноати корхоналари билан ҳамкорликда ҳунармандчиликни ривожлантириш ва пудрат шартномалари бўйича ишлар уйда бажариш асосида ташкил этилади.*

*1989 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда мамлакатимиз қишлоқ ҳаётини, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган 80 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, дастурнинг биринчи бўлими қишлоқ аҳолисининг манфаатларини яна ҳам тўлиқроқ таъминлаш мақсадида ана шу қонунчилик базаси ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олган.*

*Давлат дастури 9 бўлим ва 105 банддан иборат. Ҳар бир бўлим ва банд бўйича амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар, ундан кутиладиган натижалар, сарфланадиган харажатлар миқдори ва молиялаштириш манбалари, шунингдек, ижро муддатлари ва масъул ижрочилар қатъий белгилаб қўйилган.*

*Навбатдаги бўлимда қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳоли турар-жойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини меъморий режалаштириш ва намунавий лойиҳалар асосида барпо этиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар билан танишиш мумкин. Унда меъмор ва муҳандислар, мутасадди раҳбарларнинг бу масалага ёндашувини давр талабига мос равишда ўзгартиришга алоҳида урғу берилган.*



*Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш, автомобил йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, айниқса, бориш қийин бўлган ва олис қишлоқларни телекоммуникация тармоқлари ва почта алоқаси билан қамраб олиш доирасида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ҳам ўз ифодасини топган.*

*Қишлоқ қурилиши бўйича ихтисослашган махсус тижорат банки ташкил этиш, якка тартибдаги уй-жойларни капитал таъмирлаш учун кредитлар ажратиш, тегишли пудрат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган қишлоқ қурилиши ассоциацияси тузиш ҳам кўзда тутилган.*

*Енгил қурилиш конструкциялари, жумладан, йиғма конструкциялар ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қишлоқ жойларда ана шундай конструкцияларни қўллаган ҳолда қурилиш ишларини амалга оширишга техник кўмаклашиш масаласига катта аҳамият қаратилади.*

*«Саломатлик-2», «Шошилинч тиббий ёрдам бўлимларини тиббиёт асбоб-ускуналари билан жаҳозлаш» инвестиция лойиҳалари доирасида йил давомида 46 та қишлоқ врачлик пункти, 87 та қишлоқ шифохонасини тиббиёт ва лаборатория анжомлари билан, 2 минг 315 та қишлоқ врачлик пунктини эса тўлиқ жиҳозлаш, 331 та қишлоқ врачлик пункти ва қишлоқ шифохоналарини, шу жумладан, олис ва чекка туманлардаги тиббиёт муассасаларини санитария автотранспорти билан таъминлаш, 159 та туман марказий шифохоналарининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига тиббиёт анжомлари етказиб бериш мўлжалланмоқда.*

*Хусусан, 2009—2015 йилларда умумий майдони 7 миллион 100 минг квадрат метр бўлган якка-тартибдаги уй-жойни қуриб фойдаланишга топшириш таъминланади.*

*Жорий йил мобайнида 452 та чакана савдо нуқталари, хусусан, минимаркетлар, 126 та умумий овқатланиш обекътлари, шунингдек, 1 минг 856 та маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг қурилиши таъминланади. Бу 140 мингта янги иш ўрнини ташкил этиш имконини беради.*

*Дастурда мамлакатимизнинг ўзида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этишга йўналтирилган аниқ тадбирлар ҳам белгиланган.*

*Аниқ манзилли қурилиш рўйхатига киритилган 6 та академик лицей ва 164 та касб-ҳунар коллежи, янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган 733 та умумтаълим мактаби белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилади. 615 та мактаб капитал таъмирдан, 355 таси жорий таъмирдан чиқарилади, 1 минг 703 та мактаб эса мебел, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозланади. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда 168 та болалар спорт иншооти, 6 та сузиш ҳавзаси ҳамда 5 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилади ва реконструкция қилинади.*

*Ушбу вазифалар ижросига давлатимиз бюджетидан ва ҳомийлар ҳисобидан катта миқдордаги маблағ жалб этилиб, мамлакатимизнинг улкан салоҳиятга эга интеллектуал кучлари сафарбар қилинади.*







# Бўш келманг, опа-сингиллар

**26 — 30-январ кунлари ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзоларининг ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Республикамизнинг турли ҳудудларидан келган иштирокчилар ҳафта мобайнида ўзаро тажриба алмашиб, бу борадаги билимларини оширишди. Семинардан кўзланган мақсад ҳам касаба уюшма аъзоси бўлган хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ҳамда жамиятдаги кечаётган барча ўзгаришларда уларнинг фаол иштирок этишини таъминлашдир. Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонида батафсил ахборот берамиз.**

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

**Бандлик — касаба уюшмалари назоратида**

# Ёшликнинг ғайрат-шижоати

## келажагимизни безайди

**Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Тоҳир Назаржонов билан суҳбат**

— Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Шу боис юртимизда баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Лекин бу ниҳоятда қийин, шу билан бирга масъулиятли вазифа.

Янги авлод кадрларини тайёрлаш ва уларни ишга жойлаш масаласи касаба уюшма ташкилотларининг доимий эътиборида. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳам ушбу вазифанинг ниҳоятда долзарблигини ҳисобга олиб, тармоққа қарашли олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиб чиқди.

2007 — 2008-ўқув йилида Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг Нукус, Самарқанд, Қарши, Фарғона ва Урганчдаги филиалларини 2079 нафар талаба, жумладан, 255 магистр битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Тошкент алоқа коллежини ҳам 631 ўқувчи тугаллади.

**— Уларни иш билан таъминлаш бўйича қандай ишлар олиб борилаяпти?**

— Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 28 мартдаги «Давлат гранти асосида таълим олган Тошкент ахборот технологиялари университети битирувчиларини ишга тақсимлаш тўғрисида»ги буйруғи асосида 2007 — 2008- ўқув йилдан бошлаб тармоқдаги барча корхона, ташкилот ҳамда муассасаларнинг ёш мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўрганиб чиқилди. ТАТУ ҳамда унинг филиалларини 2007 — 2008-ўқув йилида давлат гранти асосида 565 та талаба таҳсилни тугатган. Улардан 265 таси ишга жойлашган. 10 нафар талаба магистратурада ўқишни давом эттирмоқда. Битирувчиларнинг 286 нафари сабабсиз равишда ўз соҳаси бўйича ишламаяпти. Ваҳоланки, Адлия вазирлиги томонидан 2005 йили рўйхатга олинган «Кадрларни давлат гранти асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом»га кўра битирувчилар ўқишни тамомлагандан сўнг узоғи билан уч ойда иш жойига етиб келиши ва иш бошлаши лозим. Ушбу низомга асосан барча таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган бакалавр ва магистрлар мажбурий тартибда камида уч йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасаларига ҳамда корхона ва ташкилотларга ишга тақсимланади. Битирувчи узрсиз сабабга кўра тақсимланган жойда ишлашни хоҳламаса, унга нисбатан амалдаги қонунларга асосан чора кўрилиши белгиланган.

(Давоми 2-бетда)

Ishonch 2009-yil 31-yanvar № 13 (2582)

Бойчечак

## Ҳаёт



Гоҳ силаб, гоҳ ўртаб, йўлларим пойлаб,
Юрагим тўрига бир ҳисни жойлаб,
Икки ошиқ дилин чамбарчас бойлаб,
Муҳаббатни ўргатди ҳаёт.

Қалбимга ошиқлик мақомин бериб,
Қаддимни ниҳолдай оҳиста эгиб,
Туйғулар исёни бағримни эзиб,
Жасоратни ўргатди ҳаёт.

Дўсту душман экан ҳамма томонинг,
Ғаму байрам билан ўтар замонинг,
Орамизга қўшиб яхши-ёмонни,
Адоватни ўргатди ҳаёт.

Дунёнинг фарқи йўқ асли бозордан,
Тош-тарозу қилиб борар азалдан,
Ҳеч кимса қолмагай асло назардан,
Адолатни ўргатди ҳаёт.

**Фотимахон РЎЗИЕВА,**
*Ҳонқа туманидаги енгил-саноат коллежи талабаси*

Асосга интилиш

# Саодат манзили

Қаршида кўҳна обидалар, замонавий иморатлар кўп. Ўзбек оиласининг ҳақиқий тимсоли бўлган «Эл-юрт таянчи» монументи қаторига яна бир маънавий-маърифий даргоҳ — «Ўзликни англаш маркази» қўшилганлиги ҳам тасодиф эмас. Соҳибқирон Амир Темур 1365 — 1366-йилларда Қаршига келиб, Ерқўрғон, Нахшаб қалъаларини тиклаган. Улуғ саркарда 1384 — 1385-йилларда бу ерда Одина масжидини барпо этиб, уни илм-фан масканига айлантиради.

Шўролар ҳукмронлиги даврида масжид биносидан турли мақсадларда фойдаланилган. 1938 йилдан у қамоқхонага айлантирилган. Ҳуқуқшунос ёзувчи Сафар Каттабоев сценарийси асосида яратилган «Бир обида тарихи» ҳужжатли видеофилмини кўрган киши мазкур ёдгорлик ҳақида тўла тушунчага эга бўлади.

Бугунги кунда иморат янги қиёфа касб этди. Унда «Ўзликни англаш маркази» ташкил этилди.

— Марказда биринчи навбатда Қашқадарё вилояти ва Қарши шаҳрининг қадимий обидалари тарихи, ноёб экспонатлар, осориатиқалар, мажмуа тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб, тадқиқ қилинди, — дейди маскан раҳбари Тўрамурод Маллаев. — Аввало, Қаршининг 2700 йиллиги муносабати билан тасмага туширилган филмлар, шунингдек, «Шомдан тонггача» кинофилми мунтазам намойиш этилаяпти.

Тарихий-бадиий манбаларга бой кутубхона, илмий экспозиция, архив ишлаб турибди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан ҳатто Россия, Хитой, Полша, Германия, Франция, Туркиядан ҳам сайёҳлар келиб, ўзбек давлатчилиги тарихига қизиқишаяпти.

Марказда республика миқёсидаги тадбирлар ҳам уюштирилаяпти. Ўзбекистон миллий университети, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Қарши давлат дорулфунунлари ўқитувчилари, Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти олимларининг чиқишлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

— Маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ёш авлодни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаяпти, — дейди қаршилик ёш олим Юсуф Манзаров.



Марказда Шаҳрисабз ва Касби кулоллари, халқ рассомларининг асарлари, Жейнов гиламлари, миллий каштачилик намуналари, фолклор-этнографик жамоаларнинг чиқишлари ҳам намойиш этилмоқда.

Бу ерда Қарши шаҳри тарихи ва соҳибқирон Амир Темур фаолиятига доир 100 дан ортиқ китоб, 200 дан ортиқ археологик экспонатлар жой олган.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳар бир кишидан фаолликни, теран тафаккурни талаб этади, — дейди бир гуруҳ ёшлар билан мулоқот ўтказаётган «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Январ Иноятов.

...Нақшинкор кошинларда аксланаётган қуёш нурларидан кўз қамашади. «Ўзликни англаш маркази»дан таралаётган зиё кўнгилларни чароғон этади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Мулоҳаза

# Чақалоққа нима керак?



Ҳар бир инсон фарзандини яхши едириб-ичиргиси, қўғирчоқдек қилиб кийинтиргиси келади. Аммо улар вояга етгач, ўқишга келганида кўпинча бу муаммо бўлиб қолаверади. Чунки ўзбекнинг тўй-маъракаси, чиқимлари кўп. Емай-ичмай, йиллаб йиғинади. Етмаганига қарз олишади. Кейин бир кунда уни кўкка совуришади. Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин қабилида иш юритишади. Ортиқча харажат кўпчиликни йиллаб қарз ботқоғига ботириб қўяди. Шундан сўнг ўз-ўзидан фарзандини коллеж ёки институтда ўқитиш керак деган ҳавас четга сурилиб қолади. Натижада ўғил ҳам, қиз ҳам бирорта касб эгаси бўлолмай, ҳаётда ўрнини тополмай гаранг.

Нимагадир ота-оналар фарзандларини ўқимишли қилишни, эртага улар ўзини-ўзи эплаб, бир ишнинг бошини тутишини ўйламай қўйишган. Ота-оналар иложи борича қизини бойроқ хонадонга узатишни, ўғлини эса пулдорроқ инсоннинг қизига уйлантиришни исташади.

Хизмат юзасидан турли жойларга бораман, ҳар хил инсонлар билан учрашаман. Тасодифан баъзиларининг уйига бориб қолсам, қасрдек уйларини, ундаги мебелларни кўриб ҳайратланаман. Хоналарини бир-биридан зиёда қилиб безатиб қўйишган. Аммо мен борган жойимдан кўпроқ китоб жавонини излайман.

Афсуски, кўзларим саҳрода сув ахтаргандек бўлади. Камдан-кам уйларда китоб жавонига кўзим тушади. Борган жойимдагилар моддий томондан бақувват, аммо маънавий қашшоқ эканлигини сезиб қоламан.

Яқинда бир танишим бешик тўйи қилди. Ўзлари кўп қаватли уйда туради. Шу пайтгача учта боласи билан ижарама-ижара юриб, зўрға шу уйга эришганди. Уйни олганларидан сўнг орадан тўрт йил ўтгач, тўнғич фарзандини уйлантиришди. Битта хонада ўзлари, иккинчисида фарзандлари, учинчисида келини, ўғли, невараси...

Кўп қаватли уйнинг хоналари ҳам ўзига яраша. Уларнинг подъездига яқинлашганимда карнай-сурнайчилар тўй бўлаётганини билдириш учун асбобларини чалиб ўтиришганига кўзим тушди. «Оббо, карнай-сурнайга бало борми?» деб қўйдим ичимда.

Хонадонга кириб борганимда меҳмонлар сийраклашиб қолган экан. Бироз ўтирганимиздан сўнг, танишим мени нариги хонага имлади. Секин ортидан чиқиб бордим.

— Келинимизнинг онаси роса орзу-ҳавасли экан. Қаранг, ҳали икки ойлик ҳам бўлмаган неварамга шунча нарса олиб келибди. Хурсанд бўлдим. Қўни-қўшнининг ҳам оғзи ланг очилиб қолди.

Хонадаги нарсаларни кўриб, тўғриси ҳайратландим.

Бир хона тўла чақалоқнинг буюмлари: чиройли кароват, тепасида ҳарир пардаси ҳам бор. Унинг ёнида ясатилган беланчак, бешик. Каттагина велосипед, ундан сал кичикроқ машина, турли-туман ўйинчоқлар, чақалоққа кийимлар, шапкачалар. Ҳатто шкафчаси ҳам бор...

Бундан ташқари, онасига, отасига, бобосига, момосига, ишқилиб қуда томоннинг барчасига бош-оёқ сарпо...

Шу пайт келини келиб қайнонасига нимадир деди. «Ҳозир, ҳозир бораман» дея мени яна меҳмонлар ўтирган уйга судради танишим.

Тўғрисини айтсам, келинга қараб раҳмим келди. Рангида ранг йўқ, зўрға юрганга ўхшайди. Ҳойнаҳой камқондир. Бечора ҳомиладорлик даврида тузук-қуруқ еб-ичмаган кўринади. Ўлсин-а, бунақа урф-одат деб қўйдим ичимда.

Бир ҳамкасбим ҳам яқинда бешик тўйи қилмоқчи эканини айтиб қолди. Бунинг учун куёв томонга ўн кило гўшт, беш кило ёғ, йигирма кило гуруч, ўн тўртта патир, 60 та нон, қанд-курс, ошга кетадиган майда-чуйда масалliқлар, сарпо бериши лозим. Бунга тахминан бир миллион сўм сарфлар экан...

Аслида урф-одат деймизу буларнинг барчасини ўзимиз ўйлаб топамиз. Кейин кимга жабр, ўзимизга! Чақалоққа шунча нарса олиб, дабдабали тўй қилгандан кўра, мана шу келинчакка яхши овқатлар едиришса бўлмайдими? Ахир келин соғлом бўлса, бола ҳам омон-эсон туғилади-да! Шифохонама-шифохона юрмайди.

Ҳозир туғруқхонага борганлар «Чақалоқнинг тўрт мучаси соғми? Онаси-чи?» деб сўрайдиган бўлишган. Чунки кўпчилик гўдаклар ва оналари камқонлик хасталигига дучор бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Наҳотки, ўткинчи ҳавасни деб фарзандларимизнинг соғлиғига эътиборсиз бўлсак?

Бундай урф-одатларга қачон чек қўямиз?

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

Футбол

# Ғалаба билан бошланди



Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2009 йилдаги илк расмий учрашувини БАА терма жамоасига қарши меҳмонда ўтказиб, 1:0 ҳисобидаги муҳим ғалаба билан якунлади. 2011 йилги Осиё чемпионати саралаш босқичи доирасида кечган ўйинда Миржалол Қосимов 4-5-1 тактикаси асосида тўп суришни маъқул билди.

Асосий таркиб тахмин қилинганидек, 4 кун аввал «Зенит» билан ўртоқлик учрашувида майдонга тушган йигитлардан ташкил топди.

Учрашувнинг 30-дақиқасига келиб, Ҳасанов – Магдеев комбинацияси ўз самарасини берди. Оқибатда, учрашувда ҳисоб очилди – 0:1.

Энди Миржалол Қосимов шогирдларини 11 февралда Тошкентда янада муҳим ўйин кутиб турибди. Шу куни 2010 йилги Жаҳон чемпионати саралаш босқичи доирасида Баҳрайн терма жамоаси меҳмон бўлади.

Теннис

# Фаррух бош совринга даъвогар

Германияда теннис бўйича ўтказилаётган «Fyuchers» туркумидаги халқаро турнирда юртдошимиз Фаррух Дўстов бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

22 ёшли спортчимиз якkaликлар баҳсида мезбонлар – Пирмин Хаанлини 6:7, 7:6, 6:3, Андрей Бегеманни 7:6, 3:6, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Фаррух жуфтликлар беллашувида ҳам зафарли одимларини давом эттирмоқда. У россиялик Денис Матсукевич билан ҳамкорликда германиялик Петер Теребко ва Холдер Зуйлсдорф жуфтлигини 6:3, 7:5, Франциядан келган Фабрис Мартин ҳамда Жулйн Мойэс дуэтини 6:4, 6:2 ҳисобида енгиб, ярим финалга йўлланма олди.

Шахмат

# Кучлилар сараланмоқда

Республика шахмат-шашка клубида давом этаётган шахмат бўйича ўн ёшгача бўлган болалар ўртасидаги мамлакат чемпионатида олтинчи тур баҳслари якунига етди.

Ўғил болалар баҳсида икки йилдан буён Ортиқ Неъматовни (Тошкент) енгадиган шахматчи топилмаяпти. У олтинчи партияда иккинчи ўринда бораётган хоразмлик Ўлмасбек Ҳакимовга қарши беллашувда ғалаба қозониб, навбатдаги чемпионлик сари яна бир қадам ташлади.

Ў. Ҳакимовнинг очко йўқотишидан унумли фойдаланган тошкентлик Темур Игонин, Саидакбар Сайдалиев ва сурхондарёлик Наврўзбек Зиёдуллаев рақиблари устидан зафар қучиб, бештадан очко жамғарган ҳолда иккинчи ўринга даъвогарлик қилмоқда.

Қизлар баҳсида эса фарғоналик Гулруҳ Тоҳиржонова етакчилик қилмоқда. У Мария Захаровани (Тошкент) мот қилиб, кетма-кет олтинчи учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди. Пешқадамлар сафидан жой олган пойтахт вакиллари — Светлана Чайкина ва Комила Собирова ўзаро учрашувда дуранг ўйнаб, жами тўрт яримтадан очкога эга бўлишди. Қорақалпоғистонлик Бибисора Қосимбекова эса Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилаётган Екатерина Антюховани енгиб, беш очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

**Нарзулла МАҲАМОВ тайёрлади**

# ПАРДОЗ ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТ



***Онангни отангга бепардоз кўрсатма дейишади. Бунда ҳам бир ҳикмат бордир. Яна «Кампирнинг дарди ғозада» деган нақл юради халқимиз орасида. Бу ҳикматларнинг юзага келишига аёл зотининг қон-қонига сингиб кетган пардоз-андозга бўлган иштиёқ сабабдир.***

**Сурмадин кўзлар қаро,**
**қўллар хинодин лоларанг,**
**Ғозадин юзларда тобу,**
**ўсмадин қошлар таранг,**

— дея аёл таърифига чоғланган Фурқат бугунги кун қиз-жувонларига қарата қандай байт айтган бўларди? Мақсадимиз бу ҳақда узундан-узун «панднома» битиш эмас. Жоиз деб топганимиз бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган косметик воситаларнинг таркибий қисми ҳисобланган айрим моддаларнинг зарарли хусусиятлари ҳақида маълумот бериш. Хулоса чиқаришни эса ўзингизга қолдирамиз.

Йил бўйи косметик воситалардан фойдаланиш натижасида организмга икки кило атрофида кимёвий моддалар сингиб кетади. Айни пайтда косметика саноатида етмиш мингга яқин модда ишлатилса-да, Европада уларнинг атиги уч минги расман тан олинган.

Косметик воситаларни харид қилаётганда унинг таркибига алоҳида эътибор қаратинг.

Алкогол томоқ ва оғиз бўшлиғи саратонига учраш хавфини орттиради.

Алюминий эса асабийлашиш, мия фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади.

Бентонит деб аталувчи табиий минерал юз терисига мўлжалланган ниқобларга қўшилади. Бу минерал заррачалари қиррали бўлиб, терини тирнаб юбориши мумкин. Бундан ташқари, терига ҳаво ўтказмай, қуритиб қўяди.

Каолин ҳам худди шундай хусусиятга эга, шунингдек, зарарли аралашмалардан ҳам холи эмас.



Минерал мой ёки техник мой нефтдан олинади, терида намликни ушлаб туриш мақсадида қўлланади. Терингиз юмшоқ бўлса, силлиқ туюлади, ўзингизни ёшроқ ҳис қиласиз. Аммо унутмаслик лозимки, бу мой нафақат намликни, балки тери орқали чиқиши керак бўлган заҳарли моддалар, карбонат ангидрид газини ҳам ушлаб қолади, терининг нафас олишига йўл қўймайди. Шу тариқа тери касалланади, ҳужайраларнинг ўсиши секинлашади. Техник мой қўшилган ҳар қандай маҳсулот терини қуруқ қилиб қўйиши мумкин.

Рекламаларда ланолин моддаси «терига жуда осон сингадиган мой» сифатида мақталсада, бу ҳалигача илмий тасдиғини топмаган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ланолин терининг сезгирлигини ошириб юборади, ҳатто аллергия қўзғаши мумкин.



Лорамид дейдан косметикада кўпиклатувчи хусусияти учун фойдаланилади. Шунингдек, ёғларни кетказа олгани учун идиш-товоқ ювишга мўлжалланган воситалар таркибига ҳам қўшилади. Лорамид дей тери ва сочни қуруқ қилиб қўяди, қичитади, аллергия қўзғайди.

Глицерин сув ва ёғнинг кимёвий бирикишидан олиниб, кремлар ва лосьонлар таркибига қўшилади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, глицерин терининг қуришига сабаб бўлар экан. Бундан ташқари, коллаген, липосомалар, пропилен гликол, содиум лаурил сулфат, тирозин сингари қатор моддалар борки, инсон саломатлигига зарарли жиҳатлари оз эмас.

**Интернет маълумотлари асосида**
**Д. РАҲМОНОВА тайёрлади**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhih:
N.Mahaмов

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar:
H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.50

Буюртма Г — 15

19869 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 5 6